МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✸ 2013 йил 27 февраль. Чоршанба №17 (877) ✸ www.mahallagzt.uz ✸ info@mahallagzt.uz

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Обод турмуш тушунчаси азалдан, авваломбор, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, қут-барака деган маънони англатади. Истиқлол йилларида бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ҳамда муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужассам этмоқда.**

2013 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод турмуш йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Давлат дастурининг биринчи бўлимида мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Уларни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бутун жамият ишига айланиши лозим бўлган экологик аҳволни янада яхшилашга қаратилган саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида қабул қилиниши режалаштирилган аксарият қонунлар лойиҳалари Президентимиз Ислом Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» ҳамда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

> [3]

ДАВРА СУҲБАТИ

# ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ МЕЗОН ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

**Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш белгиланган.**



Шунингдек, Концепцияда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилганди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, мазкур қонунларнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларни тайёрлашда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг таклиф-мулоҳазалари инобатга олинди.

Пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларининг янги таҳрирдаги лойиҳалари муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

> [2]

КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИДАН

# МАҲАЛЛАНИНГ ОРАСТА ВА ОҚИЛА ҚИЗЛАРИ




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Шайхонтоҳур туманидаги «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ораста қизлар» тўгараги фаолият кўрсатади. Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, қизларнинг экологик ва тиббий маданиятини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу тўгаракка йиғин ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Инобат Турсунова раҳбарлик қилмоқда.**

— Ҳудудимизда ёшларни турли фойдали машғулотларга жалб этишда қийинчиликларга дуч келардик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзура Валиева. — Маҳалламиз фаоли, педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаеванинг тавсия ва маслаҳатлари билан ушбу тўгаракнинг лойиҳа-дастурини ишлаб чиқдик. Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республика Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова ҳам иштирок этди.

Тўгаракда қизлар нафақат орасталик қоидаларини, балки бичиш-тикиш, тўқувчилик, гилам тўқиш, дастурхон безаш, пазандалик сирларини ҳам ўзлаштиришаётир. Бундан ташқари, чет тилларини ўргатишга мўлжалланган машғулотлар ҳам уюштирилмоқда. Халқ амалий санъати сирларини ўргатиш учун маҳалладаги ҳунармандлар жалб этилган. Ҳудуддаги «Гўзаллик салони» раҳбари Муҳайё Зарипова кийиниш маданияти, косметик воситалардан фойдаланиш тартиби, соч турмакларининг шакли бўйича машғулотлар ўтказяпти. Ҳамшира Ҳабиба Убадуллаева эса биринчи тиббий ёрдам ва қизларга юқумли касалликлардан ҳимояланиш бўйича тавсиялар бермоқда. Бугунга келиб тўгарак аъзоларининг сони 50 нафардан ошиб кетди.

> [4]

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# МЕҲНАТИГА ЯРАША РАҒБАТ ТОПАЁТГАНЛАР



Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

**Китоб туманидаги Паландара қишлоқ фуқаролар йиғини учта маҳаллани, 26 та қишлоқни жамлаган. Бу ерликлар деҳқончиликнинг ҳадисини олишган. Паландара узумлари, лалми ерда етиштирилган олхўрилари чет эл бозорида ҳам харидорини топиб улгурди.**

Юртбошимизнинг «Ўз меҳнати, тадбиркорлиги билан даромад топаётган одам мустақил ва эркин бўлади. Болаларини ҳам шундай фикрда, шундай руҳда тарбиялайди. Юртимизда тинчлик-осойишталик бўлса, давлатимиз шу сиёсатни давом эттирса, ҳар бир одам ўз меҳнатим билан ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ишонч билан яшайди», деган ўгитлари паландараликлар турмушининг мезони ва ҳаётининг мазмунига айланган. Бу уларнинг яшаш тарзи ва саъй-ҳаракатларида яққол намоён бўлмоқда.

Аҳоли фаровонлигини оширишни мақсад қилган қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик ва деҳқончилик, оилавий тадбиркорлик, шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда соҳага аҳолини кенг жалб этишдек эзгу ишларга бош-қош бўлиб келмоқда.

> [3]




## РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Оролбўйида аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган турли тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳаси шулар жумласидандир.

Олис овулларда яшаётган аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, тикувчилик, деҳқончилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида уларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини оширишга йўналтирилган мазкур лойиҳа Қанликўл туманида 2010 йилдан бери амалга ошириб келинмоқда. Овул фуқаролар йиғинларида яшовчи аёллар билан семинар-тренинг машғулотлари ўтказилиб, уларнинг иқтисодий билимлари оширилмоқда.

### БУХОРО

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пешку тумани бўлинмаси томонидан ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини янада яхшилаш, соҳа ходимларига қулай меҳнат шароитини яратиш мақсадида саккизта фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари тарқатилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда Фонд иш режасига асосан бўлинма томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир. Чунончи, яқинда тумандаги 30-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Ёдгор Султонов ҳамда 23-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Машҳура Ҳамроевага ўқув мебеллари тўплами совға қилинди.

### ЖИЗЗАХ

Вилоят марказидаги 29-Меҳрибонлик уйида вояга етган бир гуруҳ йигит-қизлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Жиззах тумани Учтепа массивида қуриб битказилган ўн икки хонадонли янги уйга кўчиб ўтди.

### НАВОИЙ

Вилоят марказидаги 8-умумтаълим мактабида «Қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда «Матонат» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар, шунингдек, ҳудуддаги 3-, 4-сонли оилавий поликлиника шифокорлари иштирок этишди.

### СИРДАРЁ

Республика бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига Янгиер шаҳридаги 13,6 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган «Шодлик» маҳалласининг канализация тармоғи тўлиқ таъмирланди. Айни пайтда лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга оширишга киришилди. Шаҳарнинг «Обод юрт» маҳалласидаги сув қувурлари ва канализация тармоғи таъмирланмоқда. Лойиҳа якунига етгач, ҳудуд аҳолисининг тоза ичимлик суви таъминоти янада яхшиланади.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАР

# ҚИШЛОҒИМИЗ ҚИЁФАСИ КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ

**Қишлоғимиз вилоят марказидан анча узоқда жойлашган. Одатда айрим кишилар чекка ҳудудларда тузукроқ бирор ишни амалга ошириш қийин, дейишади.**

Аммо бу фикрни бизнинг қишлоққа нисбатан қўллаб бўлмайди. Негаки, истиқлол шарофати билан ҳудудимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари вилоят ёки туман марказларидагидан асло қолишмайди. Кенг ва равон йўллар, мустаҳкам кўприклар, замонавий турар-жойлар, иншоотлар, маҳалла гузарлари, тўйхоналар қишлоғимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Ҳар бир хонадон аъзолари табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминотидан, алоқа хизматидан мамнун. Деярли ҳар бир оилада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомашина мавжуд.

Қишлоқ фуқаролар йиғинимиздаги бешта маҳаллада ўн минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил этишда тегишли идора ва муассасалар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганмиз. Айниқса, жамоатчилик назорати яхши йўлга қўйилгани туфайли ижобий самараларни қўлга киритяпмиз. Қишлоғимизда бир қатор қурилиш, саноат корхоналари фаолият юритмоқда.

> [3]

БОҒДОРЧИЛИК

# САРХИЛ МЕВА — МЎЛ ДАРОМАД МАНБАИ

**Наманган вилоятида аҳолини арзон ва сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни қайта ишлаш мақсадида манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.**

Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда 158 минг тонна мева, 87,5 минг тонна узум етиштирилди. Бу белгиланган режага нисбатан ҳам, аввалги йиллардаги кўрсаткичлардан ҳам кўпдир.

Фарғона водийсининг шимолий тоғолди ҳудудида жойлашган вилоятнинг Янгиқўрғон, Чортоқ ва Косонсой туманлари асосан мева-сабзавотчиликка ихтисослашган бўлса-да, Тўрақўрғон, Чуст каби туманларда ҳам бу тармоқ яхши ривожланган. Айниқса, кейинги йилларда илғор тажриба ва технологияларнинг кенг қўлланилиши ҳар бир ҳудудда мева ва узумнинг бирор тури кенг ёйилишига замин яратаётир. Мисол учун, Янгиқўрғон олхўриси, Косонсой олмаси, Тўрақўрғон гилоси, Чортоқ эса, узумлари билан машҳур.



> [3]

ДАВРА СУҲБАТИ

# ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ МЕЗОН ВАКОЛАТ ВА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

< [1]

*Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Тошкент шаҳар ва вилоят бўлимининг масъул ходимлари, олимлар ҳамда мутахассислар, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.*

*Эслатиб ўтамиз, амалдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган бўлиб, шу пайтгача унга ўзгартиш ва қўшишчалар киритилмаган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида уч марта, яъни 2006 йили май-июнь, 2008 йил ноябрь–декабрь ҳамда 2011 йил май-июнь ойларида йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Навбатдаги сайловлар жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтиши белгиланган.*

**Хайрулла РЎЗМЕТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси:**




— «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, энг аввало, Олий Мажлис Сенатининг роли ва масъулиятини янада ошириш билан бевосита боғлиқдир. Зеро, мазкур қонун лойиҳаси орқали Сенат Кенгаши сайловни ўтказиш муддатларини белгилашга масъул орган сифатида таклиф этиляпти.

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаш, улар ўртасида ўзаро алоқани ўрнатган ҳолда ваколатларини белгилаш ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топган. Шу мақсадда ишчи гуруҳига ҳовлилар, уйлар, кўчаларда яшовчиларнинг фуқаролар вакилларини сайлаш юзасидан умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш, сайланган фуқароларнинг вакиллари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган фуқаролар йиғини(вакиллар йиғилиши)нинг баённомасини тузиш, маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича қўшимча ваколатлар бериляпти.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар янада кучайтирилмоқда. Жумладан, йиғин раиси этиб энг муносиб, катта ҳаётий тажрибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган фуқароларнинг сайланишини таъминлаш мақсадида, лойиҳада номзодларга қўйиладиган қўшимча талаблар белгиланмоқда. Чунончи, номзодлар, албатта, Ўзбекистон фуқароси ва камида сўнгги беш йил давомида шу маҳаллада муқим яшаган бўлиши, давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидаги ёхуд хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги муайян иш тажрибага эга, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиши каби талаблар киритилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида фуқаролар йиғини органларини шакллантириш муддатлари аниқлаштирилмоқда, раис вазифасига кўрсатилган номзодлар сайловнинг бошланишидан аввал фуқаролар йиғини олдида ўз дастурини эълон қилиши белгилаб қўйилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳасида сайловни эълон қилишга ваколатли орган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши), уни ўтказиш муддати, муқобиллик принципи, сайловни ташкил этиш, ўтказишга кўмаклашувчи комиссиянинг мақоми ҳам белгилаб бериляпти. Шунингдек, унда ишчи гуруҳларнинг самарали фаолиятини таъминлаш механизмлари маромига етказилиб, номзодларни илгари суриш тартиб-таомиллари аниқлаштирилмоқда.

Таклиф этилаётган янгиликлар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, дунёқараши, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириб, ушбу жараёнларни изчил давом эттириш учун шарт-шароит яратади. Ўз навбатида, халқимизда мамлакатимизнинг ёрқин келажагига бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди.

**Хуршид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:**




— Концепция ижроси доирасида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича тузилган эксперт гуруҳи томонидан лойиҳада қандай янги қоидаларни ифода этиш, қонуннинг қайси моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, улар қонуннинг конструкциясига қандай таъсир кўрсатиши каби масалалар пухта ўрганилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда эксперт гуруҳи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда тайёрланган лойиҳани муҳокама қилиш бўйича 100 дан зиёд семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, давлат органлари, турли ташкилотлар, шунингдек, фуқаролардан 600 дан зиёд таклиф олиниб умумлаштирилди ҳамда лойиҳани тайёрлашда улардан фойдаланилди. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, лойиҳа чинакам умумхалқ муҳокамасидан ўтди.

Лойиҳадаги асосий янги қоидалар Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб киритилган. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан биргаликда эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш каби нормаларни белгилаш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, лойиҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар берилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда кафолатлари белгиланмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳудудда хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар бериш назарда тутилган.

Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги маслаҳат марказларининг ваколатларини белгилаш, хусусан, маслаҳат марказларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар учун қисқа муддатли курслар ташкил этиш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериш, ёшларнинг ишга жойлашишига, уларнинг ташкилотлар ҳамда ҳунармандларга бириктирилишига кўмаклашиш каби вазифалар белгиланди.

Шунингдек, қонун лойиҳасига бошқа бир қатор янги нормаларни киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, фуқаролар йиғини органларининг ваколатларини аниқлаш, унинг мулк ҳуқуқи кафолатларини белгилаш, фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли)нинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин бўлган ҳолатларни кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашларини шакллантириш тартибини ҳамда уларни тузишга ваколатли органларни аниқлаштириш таклиф қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, таклиф қилинаётган янги нормалар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада оширишга, шу жумладан, маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

**Баҳодир ЮНУСОВ,**
**«Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази директори:**




— Ҳар иккала қонун лойиҳаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари умумий ваколатли органлар, яъни улар ўз ҳудудида муайян бир соҳада эмас, балки барча ижтимоий-иқтисодий йўналишларда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Маҳаллий бошқарув тизимида маҳаллаларнинг ўрни ва салмоғи ошиб бормоқда.

Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Фонднинг ҳудудий тузилмалари ходимларининг касбий малакасини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинарларда мутахассислар томонидан янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада ривожлантиришга оид мазкур қонун лойиҳаси жамиятда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, йиғин раиси маҳаллада тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, эзгулик ва бағрикенглик, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга ғамхўрлик кўрсатишни кафолатлай олиши зарур.

Қонун лойиҳасида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган нормалар ўрин олгани аҳамиятлидир. Масалан, унда номзодлар овоз бериш бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдида чиқишлар қилиб, ўзининг дастурини эълон қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилмоқда. Бу фуқароларга маҳалла фаолияти, шу жумладан, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни янада ривожлантиришга оид истиқболдаги режалар ҳақида олдиндан тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Фуқаролар йиғини раисидан, мазкур лавозимга сайланганидан сўнг, ваколатлари доирасида белгиланган вазифаларни қай даражада бажаргани хусусида ахборот олиш мумкин бўлади. Буларнинг барчаси йиғин раисининг масъулиятини кучайтириш ва йиғин аъзолари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришда қўл келади.

Таклиф этилаётган ушбу янгиликлар фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, шу билан бирга, Фонд ходимларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, дунёқараши, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириб, ушбу жараёнларни изчил давом эттириш учун шарт-шароит яратади.

Бу йилги сайловлар сифат жиҳатидан янги босқичда, яъни давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, шу билан бирга, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаоллиги тобора ошаётган шароитда бўлиб ўтади. Бу эса, республикамиздаги барча маҳалла фаолларидан ушбу жараёнга қизғин тайёргарлик кўришни талаб этади.

Мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ошкоралигини таъминлашга, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада демократлаштиришга, шу билан бирга, сайловларни ўтказиш савияси юксалишига хизмат қилади.

**Вилоят ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Тошкент шаҳар Чилонзор тумани «Бешёғоч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Фуқаролар йиғини шундай тузилмаки, у тегишли ҳудудда жамоатчилик назоратини ташкил этади, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни аниқлаб, уларнинг ечимига кўмаклашади.



«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасига мувофиқ, маҳалланинг жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифалари бўйича ҳуқуқий механизм янада такомиллаштирилаётгани фаолиятимизда қулайликлар яратади.

Ушбу мақсадда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қўшимча ваколатлар берилиши, жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда кафолатлари белгиланмоқда.

Маҳалламиз ҳудудида иккита коммунал хизмат кўрсатувчи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати мавжуд бўлиб, янги таҳрирдаги қонунда улар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш белгилангани аҳолимизга янада қулайлик туғдириши билан бирга, уларнинг манфаатларини ҳимоя ҳам қилади.

**Миркомил ЖЎРАЕВ,**
**Тошкент вилояти Зангиота тумани Чиғатой Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:**



— Бугунги тадбирда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Хусусан, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини кучайтириш мақсадида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир ваколатларига аниқлик киритилаётгани йиғин мутасаддиларига қулайлик яратади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқлаш, фуқароларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳақидаги нормалар белгиланган. Буларда, албатта, халқ фаровонлигини ошириш кўзда тутилган.

Ўтган давр мобайнида йиғинимиздаги 20 та кам таъминланган оилага 600 та парранда тарқатдик, 2 та оилага бир бошдан қорамол туҳфа этдик.

Бизнинг фуқаролар йиғинида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган оилалар талайгина. Айни пайтда 200 дан зиёд оилада иссиқхона барпо этилган бўлиб, бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, лимон ва гул етиштирилмоқда. Мисол учун, «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Аҳмад Ибодов маҳалласини цитрус мева билан таъминлаб, йилига беш-олти миллионгача даромад топаяпти.

Аҳмад Яссавий номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Меҳри Маликова аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусан, сартарошхона, новвойхона, пойабзал тузатиш устахонаси очиб, маҳалла ёшларидан олти нафарини фойдали меҳнатга жалб этди.

Янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши билан бундай эзгу ишлар кўпаяди, аҳолининг турмуши янада фаровонлашади.

**Шуҳрат АЗИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани «Оқилон» маҳалла фуқаролар йиғни раиси:**



— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш назарда тутилгани диққатга сазовордир.

Янги лойиҳага кўра, йиғинлар қошида маслаҳат марказларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар учун қисқа муддатли курслар ташкил этиши, кичик бизнес субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар ҳақида маълумот бериши, ёшларнинг ишга жойлашишига, уларнинг ташкилотлар ҳамда ҳунармандларга бириктирилишига кўмаклашиши маҳаллалар зиммасига катта масъулият юклайди.

Маҳалламизда беш минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ўн саккизта тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Бугунги кунда чиннисозлик, мебелсозлик, кўнчилик, косиблик каби оилавий тадбиркорлик турлари кенг ривожланган.

Қолаверса, қонун лойиҳасида республика миқёсида ягона амалиётни жорий қилиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинида тузилиши шарт бўлган саккизта комиссия фаолияти ҳуқуқий ваколатга эга бўляпти. Бу ҳудудларда масалаларнинг долзарблигига кўра, фуқаролар йиғинларининг асосий йўналишлари бўйича қўшимча комиссияларнинг тузилишига монелик қилмайди. Балки комиссиялар фаолиятини янада кенгайишига ҳуқуқий асос бўлади.

Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши билан фуқаролар йиғинлари қошидаги барча комиссиялар ва уларнинг аъзолари фаолияти янада такомиллашади.



Носир ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Бир сўз билан айтганда, таклиф қилинаётган янги нормалар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги роли ва аҳамиятини янада оширишга, шу жумладан, маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга қаратилган.

Давра суҳбатида ҳар иккала қонун лойиҳасидаги муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти атрофлича муҳокама этилди. Қизғин баҳс-мунозара ва интерфаол усулида ўтган тадбирда иштирокчилар янги таҳрирдаги қонун лойиҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Давра суҳбатини Толибжон НИЗОМОВ ва Нурилла ЧОРИЕВ ёзиб олди.**

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

# МАҚСАД САРИ ИШОНЧ МУСТАҲКАМ



**Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш энг муҳим вазифалардандир.**

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Бўка тумани бўлинмаси маҳалла фуқаролар йиғинларида, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида мутасадди ташкилотлар кўмагида ташкиллаштираётган тадбирлар айнан шу мақсадларга хизмат қилаётир.

«Янгиобод» — Бўкадаги намунали йиғинлардан. Уч ярим мингга яқин аҳолини ўзида жамлаган маҳаллага Рустам Мирсаидов раислик қилади. Йиғин фаоллари оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида тинимсиз изланиб келишаётир. Бундан ташқари, йиғин ҳузурида Маънавий-маърифий тарғибот комиссияси фаолияти самарали йўлга қўйилган. Бу борада ҳуқуқий маданият тарғиботи асосий омилдир. Зеро, ҳуқуқий маданият шаклланган оилада фарзандлар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англайдиган, мақсадлари сари ишонч ва сабот билан интиладиган бўлиб вояга етади.

Яқинда туман ФҲДЁ бўлими мудираси Солиҳа Ўрмонова иштирокида ташкиллаштирилган давра суҳбатида аёлларнинг оиладаги ҳуқуқ ва бурчлари, фарзанд тарбияси билан боғлиқ мажбуриятлари миллий қонунчилигимиз ҳужжатлари асосида аниқ ва лўнда тушунтирилди. Хусусан, ёш оила вакиллари жалб этилган тадбирда оилавий ҳуқуқни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг умумий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш қоидалари, бола ҳуқуқлари тўғрисида маълумотлар берилди. Маҳалла аҳлини қизиқтирган саволлар, муаммоли масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

— Ҳақ-ҳуқуқини яхши билган инсон ҳаётда адашмайди, — дейди «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Мирсаидов. — Юртимизда инсон шаъни, манфаатлари давлат ҳимоясида. Буни ҳис қилган юртдошларимиз турли соҳаларда ўз ҳуқуқларидан ўрнида фойдаланиб, зарур натижаларга эришаётир. Аммо, афсуски, ҳуқуқини билмаслик оқибатида ўзига ва атрофидагиларга зарар етказиб қўяётган, билиб-билмай жиноят кўчасига қадам қўяётганлар ҳам учрайди. Маҳалламизда бундай иллатларга қарши курашишда биз мутахассислар иштирокида тадбирлар ўтказиб, ўқув муассасаларидаги давра суҳбатларидан самарали фойдаланиб келаётирмиз. Бундай тадбирларда таъсирчанликни ошириш, кўзланган мақсадга эришиш учун ҳаётий мисоллар асқотади. Ҳудудимиздаги 53-умумтаълим мактабида 127 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини кучайтиришда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги доирасида қатор ишлар амалга оширилаётир. «Конституция билимдони», «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Қонунлар — адолат ва ғамхўрлик асоси», «Одам савдоси қурбонига айланманг» каби мавзуларда кўрик-танлов, тадбир, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилиб, ғолиб ва фаол иштирок этганлар рағбатлантириб борилаётир. Бу ишларда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Бўка тумани бўлинмаси бизга доимо кўмакдош.

Дарвоқе, мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган қулай шарт-шароит, қонунчилик ва солиқдаги имтиёзлар аксарият юртдошларимизда ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқарди. «Янгиобод» маҳалласида ҳам бундай инсонлар талайгина. Уларнинг аксарияти айни пайтда йирик корхона, ишлаб чиқариш цехи ёки қўшма корхоналар эгасига айланган. Маҳалла ва маҳалладошлар корига яраб, мурувват ва саховат кўрсатиб келаётган тадбиркорлари билан янгиободликлар фахрланишади. Уларга ҳавас қилиб эндигина ўз бизнесини йўлга қўяётганларга фаолиятда асқотадиган ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатиш, банклардан кредит олишга кўмаклашиш йиғин фаолларининг долзарб вазифаси. Адвокатлар ва бошқа мутахассислар иштирокида тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлар манфаатини кўзловчи қонун янгиликларидан мунтазам хабардор этиш мақсадида ташкиллаштирилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўз самарасини бериши аниқ.

**Ю.ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

МУЛОҚОТ

# Тажриба алмашишди

**Хоразм вилоятида бўлиб ўтган тадбиркор аёллар бизнес форуми иштирокчилари воҳа маҳаллаларида ҳам бўлиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.**



Мулоқотлар чоғида Республика «Тадбиркор аёл» ассоциацияси раиси Г.Маҳмудова бугунги кунда маҳаллалар хотин-қизлари ўртасида касаначиликни кенг йўлга қўйиш, оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аёллар бандлигини таъминлаш борасида жойлардаги илғор тажрибалар хусусида маълумотлар берди.

Айниқса, Хива шаҳридаги «Ичанқалъа» маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбати йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тадбир доирасида иштирокчилар Ичанқалъада хусусий меҳмонхона очиб, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатаётган тадбиркор Зайнаб Абдуллаеванинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

< [1]

Халқимизга хос яшаш тарзи — маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини, унинг миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг роли ҳамда ўрни беқиёсдир.

Давлат дастурида кўзда тутилган янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида унинг функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Шу мақсадда лойиҳада фуқаролар йиғинларининг бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар, пенсионер ҳамда ногиронларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган шахсларни ўқитиш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этишга доир ваколатларини кенгайтириш масалалари батафсил тартибга солинган.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга бундай сайловлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга йўналтирилган қатор муҳим нормаларни киритиш таклиф этилмоқда. Ҳужжатда фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчилари номзодини кўрсатиш ва сайлаш масалалари батафсил белгиланади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳаётимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролини янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллигини юксалтириш, маҳалла ва умуман, мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига кўмаклашади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вазифалари, шу жумладан, назорат функциялари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқичма-босқич берилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, предмети, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари, жамотчилик назоратини амалга ошириш асослари, унинг субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади.

Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, тегишли давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Унда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, шакллари ва йўналишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, ахборотлаштириш, спорт ва маданиятни, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиш механизмлари очиб берилади.

Бундай янгича ёндашув мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини янада оширади. Қонун лойиҳасида таклиф этилаётган ижтимоий шерикликда тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш механизми бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жойларда ва умуман, бутун мамлакатимиз бўйлаб ривожланишга оид вазифаларни амалга ошириш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Уларнинг аниқ йўналтирилгани ва самарадорлигини, шунингдек, қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада юздан ортиқ бошқа қонунлар ва икки юзта қонуности ҳужжатларидан иборат самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари тегишли қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу мурожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқиш тартибини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, айни пайтгача юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида алоҳида қонуннинг йўқлиги уларни кўриб чиқишда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Давлат дастурида кўзда тутилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этади.

Унда бундай мурожаатлар, чунончи, юридик шахслар мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада тегишли жавобгарликни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини битирган ҳамда давлат грантлари асосида ўқиган ёшларнинг ишга жойлашишида қўшимча кафолатлар яратиш, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш белгиланган. Унда ишга жойлаштириш жараёнига тижорат ташкилотларини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинади. Айни пайтда ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилмоқда.

Судларда ишлар ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва бундай масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билим зарурлиги муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинган ҳолда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш таклиф этилмоқда.

Таклиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олувчилар ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш сир сақланишига риоя этиш ва ушбу соҳадаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Айни пайтда экология муаммолари глобал хусусият касб этмоқда. Мамлакатимизда бундай масалалар давлат даражасида ҳал қилинмоқда. Бу борада «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солади. Қонунда экологик назоратнинг 4 тури — давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати белгиланган. Бунда илк бор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида белгилаш таклиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

ЎзА.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАР

# ҚИШЛОҒИМИЗ ҚИЁФАСИ КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ

< [1]

«Хоразмдон» ҳиссадорлик жамияти ишга туширилгач, фермерлар ўзлари етиштираётган ғаллани шу ерга топшириш имкониятига эга бўлишди. Шу билан бирга, маҳаллаларимиздаги кўплаб йигит-қизлар учун янги иш ўринлари ташкил этилди. Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш базасининг ҳудудимизда жойлашгани нафақат бандлик муаммосини ҳал этишда қўл келмоқда, айни пайтда ҳомийлик ёрдами билан маҳаллаларимиз кўркига кўрк қўшилмоқда.

Қишлоғимизда фидойи, ташаббускор тадбиркорлар талайгина. Бир пайтлар «Бахшилар» маҳалласи ҳудудида эски ғишт заводи бор эди. Тадбиркор Собиржон Рўзиматов завод фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда эллик нафарга яқин йигит меҳнат қилмоқда. Улар фақат қишлоғимиз аҳолиси учун эмас, балки туманимиз, вилоятимиз, ҳатто қўшни вилоятлардаги қурилишларга ҳам сифатли пишиқ ғишт етказиб бермоқда. «Дўстлик» маҳалласида яшовчи тадбиркор Шоҳрух Муҳаммедов ҳам эски бинони хусусийлаштириб олди. Ҳозир бу ерда 10 мингдан зиёд парранда парваришланиб, кунига етти минг донадан ортиқ тухум сотувга чиқарилмоқда.

Паррандачилик ривожига ҳисса қўшаётган «Реал парранда», «Насл парранда» корхоналари аҳолини парҳез гўшт ва тухум билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Кам таъминланган оилаларга элликтадан жўжа етказиб берилди. Шунингдек, бошқа тадбиркорларимиз, фермерларимиз ҳам эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқдалар. Ўтган йили тўққизта кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол тарқатилди.

Бундан икки йил муқаддам қишлоқда савдо ва тиббий хизмат кўрсатиш борасида камчилик, муаммолар бор эди. Тизим такомили йўлида олиб борилган астойдил саъй-ҳаракатларимиз натижасида бунга бутунлай барҳам берилди. Ҳозирги кунда шаҳарлардагидан қолишмайдиган бешта супермаркет типидаги хусусий савдо дўкони аҳоли хизматида. Шоли тегирмонлари, тикувчилик, тўқувчилик, зардўзлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Иккита қишлоқ врачлик пунктида аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш борасида барча имкониятлар мавжуд. Бу ерда стационар тартибда ётиб даволаниш, физиотерапия муолажалари йўлга қўйилган. Дорихоналар беморлар мушкулини енгиллаштирмоқда. Дори излаб шаҳарга бориб юриш шарт эмас.

Барча маҳаллаларда фаоллар санитария ҳолатини мунтазам кузатиб боришда Қаҳрамон Отажонов, Муяссар Рўзиматова каби шифокорлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. «Энг обод маҳалла», «Ораста хонадон», «Гулсевар оила» танловлари ўтказилиб, ғолиблар моддий ва маънавий тақдирланаётир.

Маҳаллаларимизда маънавий муҳит барқарорлиги йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудимиздаги қурилиш касб-ҳунар коллежи ва учта мактаб жамоаси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Коллеж ва ҳар бир мактаб ҳудудларида боғлар барпо этилди. Ўқувчи-ёшлар нафақат таълим муассасаларидаги боғларга, балки маҳаллаларимиздаги кўчалар бўйига ниҳол экиш ва уларни парваришлашда фаол.

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори доирасида бизнинг қишлоқда ҳам туб ўзгаришлар режалаштирилган.

«Дўстлик» маҳалласида замонавий маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилади. «Усталар» маҳалласида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қайта ишланадиган корхона фаолияти йўлга қўйилди.

Обод турмуш йилида турмушимиз янада фаровон, ҳаётимиз янада гўзал бўлиши шубҳасиз. Буни кўкламни меҳнат билан кўркам қилишга интилаётган ҳамқишлоқларимизнинг кундалик ишлари, саъй-ҳаракатлари кўрсатиб турибди.

**Ибодулла СОТИПОВ,**
**Урганч туманидаги Чоткўпир қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# МЕҲНАТИГА ЯРАША РАҒБАТ ТОПАЁТГАНЛАР



С.Нарзиев олган сурат.

< [1]

— Истиқлол инсонларнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди, — дейди Паландара қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сайёра Боқиева. — Бугун қишлоқ аҳли изланиш, янгилик яратиш иштиёқида. Биргина бизнинг қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 500 дан зиёд автомобиллар аҳоли хонадонларига ўзгача кўрк бериб турибди. Бу одамларнинг тадбиркор, ўз соҳасининг устаси бўлиб бораётгани самарасидир. Айниқса, йиғинда Хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия фаолият кўрсатаётгани аҳолининг ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун паландараликлар деҳқончиликнинг маълум тармоғини чуқур ўзлаштириш билан бирга, ҳунар эгаллаб, рўзғорини бутлашяпти. Шунинг ҳисобидан элда обрў топмоқда.

Паландара қишлоқ фуқаролар йиғинида тадбиркорлик фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Айни пайтда 35 та тижорат дўкони, 4 та савдо фирмаси фаолият юритяпти. Мазкур мажмуаларда аҳоли эҳтиёжи учун зарур барча истеъмол моллари ва маиший техника воситаларини топиш мумкин.

Паландара қишлоқ фуқаролар йиғинида сутни қайта ишлаш корхонаси филиали, 60 дан зиёд уй шароитида ташкил этилган тикувчилик цехлари, битта чорва моллари савдосига мўлжалланган бозор, иккита гўзаллик салони, 10 га яқин сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси фаолият юритаётир. Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси ҳам ишга тушиш арафасида. Ҳудудда яшовчилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илғор. 90 га яқин фермер хўжалигида 1000 нафарга яқин аҳоли доимий иш билан банд. 5 минг гектарга яқин лалми ва сувли ерларда узум, ғалла, зиғир, мева-сабзавот етиштириб келинмоқда. Айниқса, Сумак қишлоғи ўзининг ноклари билан машҳур.

Фуқаролар йиғини қошидаги Хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва чорвачиликни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг ёрдами билан ўн гектардан зиёд ерни боғ қилиб, шундан келаётган даромад ҳисобига чорвачиликни йўлга қўйдим, — дейди шу қишлоқда яшовчи фермер Мамадамин Дўстмуродов. — Пешона терим билан топган маблағга «Дамас» автомашинаси сотиб олдим.

Ҳозир Паландарага борсангиз, адирларда сурув-сурув қўйга кўзингиз тушади. Маълумотларга кўра, 1985 йилда бу ерда бор-йўғи уч мингга яқин чорва моли бўлиб, улар давлатники, одамларнинг ўзида чорва деярли йўқ эди. Ҳозир эса 30 мингга яқин қўй аҳолининг мулки ҳисобланади. Асосан, узумчиликка ихтисослашган қишлоқда бугун иссиқхоналар ҳам барпо этилди. Уларда қиш, куз ва эрта баҳорда лимон, бодринг, помидор ҳамда турли кўкатлар етиштирилаётир.

— Офтобрўя қишлоғида яшовчи Саидқул Шоимов етиштирган помидор маҳсулотларини шу кеча-кундуздаги нарх билан ҳисобласак, «Ласетти» автомашинасини олиш мумкин, — дейди «Ваткана» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуманнон Ғаффоров. — Олдинлари Китоб шаҳрига тушиш учун автобус кутиб вақт йўқотардик. Эндичи? Ҳар қадамда машина, хоҳлаган жойга бир зумда бориш мумкин. Китоб — Паландара йўналишида тўртта шахсий «ISUZU» русумли автобус қатнаб турибди. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофатидандир. Истиқлол одамларга имкониятлар эшигини очиб берди. Тоғораларга узумларини жойлаб қишнинг совуғида Китоб деҳқон бозорига олиб бориб сотган кишиларнинг уйига бугун харидорларнинг ўзи келиб, олиб кетишмоқда. Маҳаллий тадбиркор Ўткир Жўраев фуқаролар йиғини фаоллари билан кенгашиб, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлайдиган замонавий совуткич омборхонаси қурилиши айтганда, туман ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими билан маслаҳатлашиб, унинг муаммоларини ҳал қилиб бердик. Бугун юз тонна сиғимдаги мазкур қурилма аҳоли хизматида.

Дарҳақиқат, одамлар ўзининг қурби, қобилиятига қараб муайян йўналишда фаолият юритмоқда. Энг муҳими, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар меҳнатига яраша рағбат топмоқда. Бир-биридан ўрганиб, бир-бирига интилиб, маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғини билан доимий алоқада бўлиб, ҳамжиҳатликда ўзининг турмуш шароитини тобора яхшилаяпти.

**Баҳодир ҲАЛИМОВ**
**«Mahalla»**

БОҒДОРЧИЛИК

# САРХИЛ МЕВА — МЎЛ ДАРОМАД МАНБАИ



М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

< [1]

— Бугунги кунда вилоятда 27 минг гектарга яқин мевали боғлар, 13,5 минг гектар токзорлар мавжуд, — дейди вилоят ҳокимлигининг Ахборот-таҳлил гуруҳи етакчи мутахассиси Алишер Жавҳаров. — Уларнинг ҳар бир қаричи ҳисобда, десам муболаға бўлмайди. Ўтган йилнинг куз ва жорий йилнинг баҳор ойларида яна 717 гектар маҳаллий, 352 гектар интенсив боғ, 327 гектар янги токзорлар барпо этиш бўйича таклифлар олиниб, атрофлича ўрганиб чиқилди. Шу асосда чора-тадбирлар белгиланиб, бу йўналишда муайян ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, янги боғ ва токзорлар ташкил этиш баробарида эскирганларини таъмирлаш, ҳар туп меванинг ҳосилдорлигини кўпайтириш мақсадида тинимсиз иш олиб борилаётир. Қишнинг совуқ ва изғиринли кунларида ҳам боғбонларни қаторлар орасида учратасиз.

— Бугун ерга меҳр бериб, астойдил ишлаган одам кам бўлмайди, — дейди Янгиқўрғон туманидаги «Раҳимов Алишер Баркамол» фермер хўжалиги раҳбари Алишер Раҳимов. — 20 гектар токзорим бор. Асосан, узумнинг қайта ишлашга мўлжалланган тойифи навини етиштирамиз. Якунланган йилда 5 гектардаги ҳосилнинг 25 тоннасини туманимиздаги «Янис» мевани қайта ишлаш корхонасига топширдик, 15 тоннасини экспортга сотдик. Даромад ҳам шунга яраша. Топганимиз яхши кунларга сарфланяпти. Тўй-томошалардан орттириб, маҳаллага ҳам қарашяпмиз. Ўзим яшайдиган маҳаллага гузар қуриб, замонавий савдо, сартарошхона хизматларини йўлга қўйдик. Ҳозирда токзордан ташқари, 3 гектар ерда тутчиликни ривожлантирмоқдамиз.

Алишер истиқомат қилаётган маҳалланинг номи — «Боғ маҳалла». Зеро, бу ҳудудда томорқаю йўл четлари, ҳатто паст-баланд адирликлар ҳам мевали дарахтлар, узумзорлар билан қопланган.

— 110 гектар токзоримиз бор, — дейди «Абдуллажон, Абдулҳай Раҳимов» номли фермер хўжалиги раҳбари Исматилла Раҳимов. — Ишни пудрат асосида ташкил этиб, ер майдонини 35 нафар моҳир боғбонга бўлиб берганмиз. Улар токларга вақтида ишлов бериш, ўғитлаш, хомток қилиш ишларини бажариб, ҳосилдорликни йил сайин оширмоқдалар. Режадан ортган ҳосил эса, албатта, катта даромад, дегани. Бугун маҳалладошларимизнинг тўкин ва фаровон турмушида мана шу боғ ва токзорларимиз асосий даромад манбаи.

Вилоятда боғ ва токзорлар парвариши билан бир қаторда қайта ишлаш корхоналари фаолиятини жонлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, «Тўрақўрғон ширинлик» корхонаси нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам маълум ва машҳур. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ўтган йили вилоятда мева ва узумчиликдан юқори ҳосил олингани бозорлардаги нарх-навонинг ҳамёнбоплигини таъминлади. Бугунги кунда вилоятнинг аксарият бозорлари сархил меваларга тўла.

**Жамшид БЕК**
**«Mahalla»**


РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Ишончли ҳамкор тараққиёт гаровидир

**Мамлакатимизда пиллачилик ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эътибор ортиб бораётир. Бундай маҳсулотларга бўлган талаб фаолиятнинг тез ва изчил амалга оширилишига замин яратмоқда.**

Корхонамиз жамоаси билан сифатли ҳамда арзон ипак, шойи иплар ва газламалар ишлаб чиқаришни мақсад қилганмиз.

Республикамиз, қолаверса, Ҳамдўстлик мамлакатлари бозорида маҳсулотларимиз билан муносиб ўрин эгаллашни режалаштиряпмиз. Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори фаолиятимиз равнақига замин яратди.

Ушбу қарордан руҳланиб, пиллани қайта ишлаш ва юқори сифатли ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида замонавий ва тежамкор ускуналар харид қилиш учун республикамизнинг етакчи банклардан бири бўлган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Хоразм вилояти филиалига мурожаат этдик.

Банк маъмурияти бизга тез фурсатда кредит маблағлари ажратиб берди. Имтиёзли кредит ҳисобига пиллани қайта ишлаш ускуналари ҳамда хомашё сотиб олиб, тўла қувватда ишлаб чиқаришни бошлаб юбордик. «Асака» банк кредитлари натижасида 24 та янги иш ўрни яратилди.

«Асака» банк Хоразм вилояти филиалининг юқори малакали ходимлари томонидан биз ишлаб чиққан лойиҳалар оптимал тарздаги иқтисодий ва техник ўзгартиришлар билан бойитилди. Ҳозирги кунда фаолиятимиз жадал суръатларда ривожланиб, бизнес лойиҳамиздаги кўрсаткичларига эришдик. Бу борада «Асака» банк ходимларининг таклифларини инобатга олганимиз қўл келди.

Вилоятимизда биз каби «Асака» банкнинг молиявий кўмагида ўз ишини йўлга қўяётган тадбиркорлар талайгина. Бунинг боиси, банк жамоасининг хизматлар кўрсатишда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиорига амал қилишлари, ходимларнинг хушмуомала ва тезкор иш юритишларидир, албатта. Кўп сонли тадбиркорлар қатори биз ҳам «Асака» банкнинг мижози эканимиздан фахрланамиз.

**Дониёрбек БАЙЖОНОВ,**
**«Хадра савдо сервис» хусусий корхонаси раҳбари.**




СПОРТ ИНШООТЛАРИ

# ИШТИЁҚ ВА ШАРОИТ УЙҒУНЛИГИ

**Мирзо Улуғбек туманидаги «Юзробот» маҳалласида жойлашган «Юзробот» мажмуасида спортнинг футбол, кураш, бокс, теннис, дзюдо, сузиш, синхрон сузиш ва бадиий гимнастика каби турлар билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

Табиий чим ётқизилган 100х60 ўлчамли майдон, ёруғ ва шинам сузиш ҳавзаси, замонавий спорт зали ҳамда қарийб 40 турдаги спорт жиҳозлари ёшлар ихтиёрида. Айни пайтда бу ерда 700 нафарга яқин ўсмир 20 нафардан зиёд малакали мураббий қўл остида машғулотларда иштирок этмоқда. Маҳорат сирларини ўрганиб, саломатликларини мустаҳкамлаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳаваскор спортчиларнинг қарийб 200 нафарини қизлар ташкил этаётгани эътиборга молик.

— Муассаса 2007 йилда ўз фаолиятини бошлаган, сузиш ҳавзасини 2009 йилда ишга туширганмиз, — дейди мажмуа директори, жанговар самбо бўйича жаҳон чемпиони Игорь Гученцев. — Маҳалламиз ёшларининг спортга иштиёқи ва қизиқиши баланд, мураббийларимиз кўп йиллик тажрибага эга. Энг муҳими, ўғил-қизларнинг қобилиятини юзага чиқириш учун имконниятларимиз етарли. Маҳалла мутасаддиларининг кўмаги билан мажмуага келаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётир.

Мутахассисларнинг 3 нафари, хусусан, синхрон сузиш бўйича мураббий Элмира Файзуллаева, самбочи Дмитрий Каменский ва дзюдочи Дамир Ҳабихузин олий тоифали мураббийлар. Бундан ташқари, маҳалла ёшларига футболдан сабоқ бераётган Дилшод Ўрмонов ўз вақтида мамлакатимиз олий лигаси жамоасида тўп сурган.

— Ҳудудимизда шундай шинам ва барча қулайликларга эга спорт мажмуасининг борлиги ёшларни жисмоний тарбия машғулотларига жалб этишда жуда қўл келмоқда, — дейди «Юзробот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эрназар Абдумаликов. — Ўғил-қизларнинг ёшликдан спортга ошно бўлиб, иродасини чиниқтириб бораётгани ҳар жиҳатдан қувонарлидир.

Ҳақиқатан, сўнгги йилларда спорт жисмонан бақувват, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашда муҳим тарбия воситасига айланди. Энг муҳими, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва амалга оширилаётган ишлар мазмун-моҳиятини фарзанди келажагидан умидвор ота-оналар теран англаб етмоқда.

— 2008 йилдан бери маҳалладошларимга орттирган тажрибаларимни ўргатиб келяпман, — дейди Дилшод Ўрмонов. — Шу пайтгача шаҳар ва республика миқёсидаги кўплаб мусобақаларда, хусусан «Футболимиз келажаги» турнирида муваффақиятли иштирок этдик. Машғулотларни ҳаво очиқ кунлари катта майдонда, ёғингарчилик пайтлари эса залда ўтказамиз. Залнинг замон талабларига мослаб қурилгани ва зарур инвентарлар билан жиҳозлангани ёш футболчиларнинг маҳоратини оширишда қўл келмоқда. Бундан ташқари, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналарида ҳам барча қулайликлар муҳайё этилган.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Дарҳақиқат, ўзига хос меъморий қиёфага ва сўнгги русумдаги жиҳозларга эга мажмуа ҳар доим ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Бу эса, спорт ҳаётимизга чуқурроқ кириб бораётганидан, унинг ёшлар орасида янада оммалашаётганидан далолатдир.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»




## Автоҳалокат юз берди

**Қозоғистоннинг Жамбил туманида «Чимкент — Бишкек» йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган «Neoplan» русумли йўловчи автобуси йўл тозаловчи машина билан тўқнашиб кетган.**



Орадан 5-10 дақиқа ўтгач, салонида яна бир ҳайдовчи ва 28 нафар йўловчи бўлган ушбу автобусга «Чимкент — Олма-Ота» йўналишида ҳаракатланаётган ва салонида 54 нафар йўловчи бўлган «Wanhool» русумли автобус келиб урилди.

Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 3 нафар йўловчи вафот этган, 19 нафари касалхонага ётқизилган ҳамда 16 нафар йўловчига тиббий ёрдам кўрсатилган.

Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

САЛОМАТЛИК

## Яхши дам — меҳнатга ҳамдам



**Наманган вилоятининг тоғолди ҳудуди ҳисобланган Косонсой ҳамда Чортоқ туманлари сўлим табиати, шифобахш сувлари ва беғубор ҳавоси билан машҳур. Шу боис, мамлакатнинг энг номдор сиҳатгоҳлари ҳам айнан шу туманларда жойлашган.**

Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан вилоятдаги барча ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг мазкур сиҳатгоҳларда дам олиб, даволанишлари режалаштирилган эди. Ҳозирда энг фаол ва ишларни намунали ташкил этган маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларидан 130 нафари «Косонсой» санаторийсига жойлаштирилди.

— Раислар бир ҳафта давомида малакали шифокорлар ёрдамида саломатликларини тиклайдилар, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Насриддин Садриддинов. — Шу билан бирга, Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда уларнинг дам олиш вақтларини мазмунли ўтказиш чоралари кўрилган.

Бундан ташқари, қонунчиликдаги ўзгаришлар, тизимдаги янгиликлардан хабардор қилиш мақсадида қисқа муддатли ўқув дастури ҳам тузилди. Март ойининг охиригача вилоятдаги мавжуд 889 та фуқаролар йиғини раисларининг барчаси имтиёзли равишда, уюшган ҳолда сиҳатгоҳларга юборилади.

КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИДАН

# МАҲАЛЛАНИНГ ОРАСТА ВА ОҚИЛА ҚИЗЛАРИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

— Ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари 3 соатдан турли йўналишда машғулот ўтказамиз, — дейди тўгарак раҳбари И.Турсунова.

Дастлаб фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Саодат Зуфарованинг жонбозлиги билан тиббиёт ходимлари иштирокида шахсий гигиена қоидалари, эрта турмуш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Учрашувнинг таъсирчан мисолларга бой бўлгани, самимий ва содда мулоқот тарзида ўтгани келгусидаги муваффақиятларга замин ҳозирлаши шубҳасиз. Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган «Келажагимиз — ёшлар қўлида» мавзуидаги тадбирда, элимиз ардоғидаги санъаткорлар, хусусан, Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупованинг иштироки қатнашчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Уй ва кўча бошлиқлари ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаётгани боис, тўгарак аъзоларининг сони кун сайин ортиб бормоқда. Энг муҳими, йиғинда ёшларнинг ўз иқтидорларини юзага чиқариши ва юксалтириши учун муносиб шароит яратилган. Тўгарак раҳбарининг истеъдодли драматург экани қизларнинг саҳна маданияти ва актёрлик маҳоратини ўзлаштиришида қўл келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тадбирларнинг қизиқарли ўтишини таъминламоқда. Дастлаб маҳалла саҳнасида ўз истеъдодини намойиш этган ёшлар бугун Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Янги авлод» ва «Келажак овози» учун ўтказилаётган танловларда қатнашиш ниятида.

Қолаверса, тўгаракда қизларнинг умумтаълим фанларини пухта ўзлаштириши, ўқувчиларнинг давомати ҳам қатъий назоратга олинган. Сўнгги пайтларда қизларнинг хулқи ва ўқишида ижобий ўзгариш юз бераётганини ота-оналар ва ўқитувчилар эътироф этишмоқда.

— Қизим Камилла ушбу тўгаракда ўзбек тили ва миллий урф-одатларнинг аҳамиятини чуқурроқ ўзлаштириб олди, — дейди мазкур маҳаллада истиқомат қилаётган Людмила Пак. — Бу ерда ўрганганлари таҳсил олаётган мактабидаги тадбирларда асқотмоқда. Бугун у «Тенгдош тенгдошга» лойиҳаси асосида ташкиллаштирилаётган тадбирларда фаол иштирок этяпти. Маҳалламиз нуроний онахонларидан эшитган ҳикматли сўзларини рус тилида гаплашадиган дугоналарига тушунтириб бераётир.

Ҳа, ўзбек оилаларида қиз болани тарбияси бўйича узоқ йиллик тажрибалар асосида бир қатор гўзал қадриятлар шаклланган. Ушбу қадриятларни янада бойитиш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирларда фуқаролар ўзи ўзи бошқариш органларининг фаол иштирок этаётгани қувонарли ҳол. «Янгиобод» маҳалласидаги ушбу тўгарак фаолияти ҳам жамиятимизда хотин-қизлар фаоллигини оширишга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Элшод ЭРКИНОВ.

## Кашандалар силга мойил

**2050 йилга келиб бутун дунёда қирқ миллионга яқин кашанда сил касаллигидан вафот этиши мумкин, дея хабар беради «MedDaily» портали. Ушбу маълумотни Британия ўпка касалликлари фонди эълон қилган.**




Таҳлилчиларнинг фикрича, касаллик Африка, Ўрта Ер денгизининг шарқий қисми ва жануби-шарқий Осиёда тезлик билан тарқалади. Шифокорлар охирги йигирма йилда бу касалликка чалинган беморларнинг сони сезиларли даражада ошганини, дунё бўйича ўлим сонининг ортиши бевосита тамаки компанияларининг фаолияти билан боғлиқлигини айтишмоқда. Гап шундаки, тамаки тананинг ҳимояланиш функцияси даражасини пасайтиради ва силнинг ўпка бўйлаб ёйилишига шароит туғдиради.

Айни пайтда ер юзида тахминан ҳар беш кишидан биттаси чекади. Маълумотларга кўра, чекувчилар силни бошқаларга қараганда икки баробар осонроқ орттириб олишлари мумкин экан.

СЕМИНАР

## Тушунча ва тавсиялар берилди

**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Юнусобод тумани бўлинмаси, туман ички ишлар бўлими ҳамда туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда семинар ташкил этилди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар» Дастури ижросига бағишланди.

Унда тумандаги мавжуд 58 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда маҳалла масъул котибларига одам савдосига қарши курашиш ҳамда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қатор тавсиялар берилди.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 350-сонли қарорининг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ва кам таъминланган оилаларга аниқ тарзда ижтимоий ёрдам беришни кучайтириш, республика аҳолисининг реал даромадлари ва фаровонлиги барқарор ўсиши шароитларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва масъулияти тўғрисида аниқ тушунчалар берилди.

Мухбиримиз.

## Тинчлик шарлари учирилади

**Баҳорда Кобул шаҳрида ўн минг дона ёрқин пушти рангли ҳаво шарлари учирилади.**



Тадбир муаллифи АҚШда истиқомат қилувчи асли афғонистонлик Язмани Арбулиданинг сўзларига кўра, бундан кўзланган асосий мақсад одамлар қалбида тинчлик қарор топишига бўлган умидни жонлантиришдан иборат.

Илгари Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида, Кения пойтахти Найробида ва Япониянинг Ямагучи шаҳрида ўтказилган бу каби ноанъанавий ҳаракат катта муваффақият қозонган. Ташкилотчининг сўзларига кўра, 30 йилдан зиёд давр мобайнида тинчлик нима эканини билмай яшаётган афғон халқи маънавий ёрдамга жуда ҳам муҳтож. «Қуролли тўқнашувлардан ва ҳаёт учун курашишдан ғоят чарчаган Афғонистон аҳолиси тўсатдан ҳавода пайдо бўладиган чиройли шарларни кўриб қувониши шубҳасиз», дейди у.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ҳурматли тадбиркорлар ва фермерлар!

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риелторлик ташкилоти
Сизларни музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига таклиф этади!

Оммавий оферта савдоларига Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган қуйидаги:

— «Қибрай Зародин» агрофирмаси ҳудудида жойлашган «QIBRAY — BAYMUHAMEDOV SERIKBAY» фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони **9,8 га** ер участкасида жойлашган **боғзордаги**, бошланғич нархи — **56 000 000,0 (эллик олти миллион) сўм** бўлган, 1991 йилда экилган 1087 туп ва 1999 йилда экилган 1038 туп, жами *2125 туп олма дарахтлари*;

— «Истиқлол давр зиёси» агрофирмаси ҳудудида жойлашган «ISTIQLOL — SULTONOV TOJIBOY» фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони **12,0 га** ер участкасида жойлашган **боғзордаги**, бошланғич нархи — **11 000 000,0 (ўн бир миллион) сўм** бўлган, 1997 йилда экилган 120 туп олма ҳамда 1997, 2008 ва 2012 йилларда экилган 1220 туп олхўри, жами *1340 туп олма ва олхўри дарахтлари*;

— «Истиқлол давр зиёси» агрофирмаси ҳудудида жойлашган «ISTIQLOL — ATAMETOV BAXTIYOR» фермер хўжалиги мулки ҳисобланган, умумий майдони **9,3 га** ер участкасида жойлашган **боғзордаги**, бошланғич нархи — **7 000 000,0 (етти миллион) сўм** бўлган, 1997 йилда экилган 103 туп олма ҳамда 1997, 2005 ва 2008 йилларда экилган 1089 туп олхўри, жами *1192 туп олма ва олхўри дарахтлари* қўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риелторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда риелторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишлари ҳамда ўзларининг акцепт аризаларини топширишлари лозим. Савдо объектларини сотиш бўйича музокаралар талабгорларнинг акцепт аризаларидаги шартлар ушбу оммавий оферта савдолари шартларига мос келган тақдирда ўтказилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида Сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида тўлаш шартлари юклатилади.

Шунингдек, мазкур боғзорларни сотиб олган харидорлар, улар жойлашган ер майдонларига нисбатан узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тузиш учун Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимиятига мурожаат қилишлари ҳамда ушбу ер майдонларидан фақат боғзор сифатида унумли фойдаланишлари шарт.

Музокаралар ушбу эълон чиққан кундан бошланади ва юқоридаги боғзорлар сотилгунга қадар, ҳар куни соат 15:00да Тошкент шаҳри Миробод тумани Амир Темур шоҳ кўчаси 16«А»-уй 4-қават 401-хонада ўтказилади.

**Мурожаат учун телефон: 233-20-13; телефакс: 233-23-40.**

БИР ХОВУЧ ДУР

*Инсон маънавий камолотга эришиш йўлида ҳаракат қилганидек, дунёни билишга ҳам уринса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади.*
Абу Наср ФОРОБИЙ

*Руҳ қалъасини сақлаб қолиш учун жисм қалъасини мустаҳкамлаш зарур.*
Виктор ГЮГО

*Имкони борича болага яхши таълим-тарбия беришга интилиш лозим. Токи у ижобий хусусиятларни ўзлаштирсин ва ярамас ҳаракатлардан ўзини муҳофаза қилсин.*
Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

*Тўғри ва ҳақ йўлда юрган кишининг юриши арслон юришидан ҳам маҳобатлироқдир.*
Маҳмуд ЗАМАХШАРИЙ

*Дунёдаги барча кашфиётлар ичида энг гўзали мукаммал тарбия олган инсондир.*
ЭПИКТЕТ

*Мен қолдириб кетаётган зўр табибларимнинг бири — тозалик, иккинчиси — парҳез, учинчиси — бадантарбия, қолганлари мизож билан кайфиятдир.*
Ибн СИНО

«ЎКТАМХОН НУР ЗИЁ» Ўқув маркази ўқишга таклиф қилади!
Ҳар ойнинг биринчи кунидан янги гуруҳ очилади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| Аёллар астарлик костюмшими 1-2 ой<br>Бисер тикиш 2 ой<br>Тўй ва оқшом либослари 1-2 ой<br>Сунъий гул 1 ой<br>Бичиш-тикиш, Моделлаш 1 ой<br>Рус тили 3 ой<br>Малака ошириш 1 ой<br>Инглиз тили 3 ой | Ўзбек миллий таомлари 1 ой<br>Турк тили 3 ой<br>Уйғур таомлари 1 ой<br>Математика 3 ой<br>Аёллар сартарошлиги 3 ой<br>Тўқувчилик 3 ой<br>Тўй, оқшом турмаги, макияж 1 ой<br>Карвинг 3 ой | Гўзаллик салонига тайёрлаш 1 ой<br>Торт ва пишириқлар 2 ой<br>Элита пардалар тикиш 1 ой<br>Торт олий курси 1 ой<br>Элита пардалар олий курси 1 ой<br>Бухгалтерия ҳисоби 3 ой<br>Эркаклар сартарошлиги 2-3 ой | Тикувчилик 3 ой<br>Каштачилик, маш.вышивка 3 ой<br>Сарпо қути, саватлар ясаш 1 ой<br>Бисердан дарахт, гуллар ясаш 1 ой<br>**ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ОЛИНГ.** |

ЁТОҚХОНА МАВЖУД — ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАР КУНИ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томон орқасида.
Тел: +99871 221-77-72 +99894 678-50-30
Кундузги: +99871 221-17-95
Кечки: +99871 225-97-93

Филиал: Ҳамза тумани, Фарғона йўли, Қўйлиқ, 4-уй, 40-хона
Мўлжал: Қўйлиқ Универсал савдо мажмуаси рўпарасида.
Тел: +99893 574-61-84 +99894 678-50-30
Кундузги: +99871 295-97-82
Кечки: +99871 225-97-93

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқаруви жамоаси бошқарув раиси ўринбосари Бобурбек Фахриддиновга падари бузруквори
**Рустамжон отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқаруви ходими Гуласалхон Маматқодировага волидаи муҳтарамаси
**Одинахон аянинг**
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низомов
Нашр навбатчиси: Н.Чориев
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23841 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6522
Топшириш вақти — 21.30
Топширилди — 23.00